

**ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИНИНГ КАСБИЙ МАЛАКАСИНИ  
РИВОЖЛАНТИРИШ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.31.01  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТИББИЁТ ХОДИМЛАРНИНГ КАСБИЙ МАЛАКАСИНИ  
РИВОЖЛАНТИРИШ МАРКАЗИ**

**АЛИЕВА МУНИРА АБДУРАШИДОВНА**

**ОБСТРУКТИВ УЙҚУ АПНОЭСИДА СУРУНКАЛИ МИЯ  
ИШЕМИЯСИНИНГ КЛИНИК ВА ПАТОГЕНЕТИК ХУСУСИЯТЛАРИ**

**14.00.13 – Неврология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2023**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)**

**Алиева Мунира Абдурашидовна**

Обструктив уйку апноэсида сурункали мия ишемиясининг  
клиник ва патогенетик хусусиятлари..... 3

**Алиева Мунира Абдурашидовна**

Клинические и патогенетические особенности хронической ишемии  
мозга при обструктивных сонных апноэ..... 27

**Alieva Munira Abdurashidovna**

Clinical and pathogenetic features of chronic cerebral  
ischemia in obstructive sleep apnea..... 51

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works..... 57

**ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИНИНГ КАСБИЙ МАЛАКАСИНИ  
РИВОЖЛАНТИРИШ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.31.01  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТИББИЁТ ХОДИМЛАРНИНГ КАСБИЙ МАЛАКАСИНИ  
РИВОЖЛАНТИРИШ МАРКАЗИ**

**АЛИЕВА МУНИРА АБДУРАШИДОВНА**

**ОБСТРУКТИВ УЙҚУ АПНОЭСИДА СУРУНКАЛИ МИЯ  
ИШЕМИЯСИНИНГ КЛИНИК ВА ПАТОГЕНЕТИК ХУСУСИЯТЛАРИ**

**14.00.13 – Неврология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2023**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясида B2020.4.PhD/Tib1538 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш марказида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.tipme.uz](http://www.tipme.uz)) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Гафуров Бахтияр Гафурович**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Рахимбаева Гулнора Саттаровна**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Раимова Малика Мухамеджановна**  
тиббиёт фанлари доктори, доцент

**Етакчи ташкилот:**

**Самарқанд давлат тиббиёт университети**

Диссертация ҳимояси Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш маркази ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.31.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2023 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100007, Тошкент, Паркент кўчаси 51- уй. Тел./факс: (+99871) 268-17-44, e-mail: [info@tipme.uz](mailto:info@tipme.uz)).

Диссертация билан Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш маркази Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_\_ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100007, Тошкент, Паркент кўчаси 51- уй. Тел./факс: (+99871) 268-17-44, e-mail: [info@tipme.uz](mailto:info@tipme.uz)).

Диссертация автореферати 2023 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2023 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**Х.А. Акилов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Н.Н. Убайдуллаева**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий  
котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

**Ф.Х. Муратов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
кошидаги илмий семинар раис ўринбосари,  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Цереброваскуляар касалликлар (ЦВК) замонавий неврологиянинг муҳим тиббий ва ижтимоий муаммосидир, чунки бу касалликлар дунёнинг деярли барча мамлакатларида касалланиш, ўлим ва ногиронлик бўйича юқори кўрсаткичларга эга. Сурункали мия ишемияси бўлган беморларда уйкуда нафас олиш бузилишларининг тарқалиши ва аҳамияти бўйича етакчи ўринни обструктив уйку апноэси (ОУА) эгаллайди. ОУА билан касалланиш даражаси 9 дан 38% гача ўзгариб туради ва ёш, жинс, ёндош касалликларнинг мавжудлиги, биринчи ўринда семириш, метаболик синдром, артериал гипертензия, сурункали юрак етишмовчилиги ва бошқаларга боғлиқ бўлади<sup>1</sup>. Бу борада ЦВКнинг ривожланишида ОУА таъсирини баҳолаш, беморлар ҳаёт сифатини яхшилаш, ногиронликни камайтириш тиббиёт соҳасида долзарб муаммолардан бири ҳисобланади.

Жаҳонда обструктив уйку апноэнинг клиник, патогенетик аспектларини аниқлашга ва ОУАни ташхислашга янги ёндашувларнинг юқори самарадорлигига эришишга бағишланган қатор илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада ОУА ривожланиши аҳамиятли хавф омиллари таъсирини баҳолаш, ёндош касалликларни ривожланишига таъсир даражасини аниқлаш, клиник-неврологик, параклиник хусусиятларини аниқлаш, уйку пайтида мия фаолиятини ва уйку босқичларига қараб автоном нерв тизимининг симпатик ва парасимпатик бўлинмаларининг фаолиятини баҳолаш, уйку вақтида вегетатив асаб тизимининг ҳолатини эрта ташхислаш ва прогнозлаш мезонларини ишлаб чиқиш, ОУАнинг мия гемодинамикасига таъсирини баҳолаш асосий йўналиш ҳисобланади. Нафас олиш ва мия фаолияти ўртасидаги боғлиқликни аниқлаш ва ушбу касалликларни даволашнинг самарали усулларини ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда тиббиёт соҳасини ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда, жаҳон стандартларига мувофиқ тиббий хизматлар кўрсатишни жаҳон даражасида олиб бориш бўйича кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. «...Диагностика ва даволашнинг замонавий усулларини жорий этиш, юқори сифатли тиббий хизматларни кўрсатиш, шу жумладан телетиббиётни жорий этиш ва ривожлантириш...»<sup>2</sup> каби устувор вазифалар белгиланган. Шу сабабли, кўрилаётган чора-тадбирлар самарадорлигини оширишга ва имконияти чекланган беморларнинг ҳаёт сифатини, уларнинг тўлиқ қайта ижтимоийлашуви билан яхшилашга йўналтирилган, беморларни олиб боришнинг оптимал тактикасини танлаш мақсадида беморларда ОУА ривожланиш хавфини эрта ташхислаш, ноинвазив усулларига таянган ҳолда давога ёндашувни такомиллаштириш долзарб илмий йўналишлардан бири ҳисобланади.

<sup>1</sup> Zhang Y. et al. Worldwide and regional prevalence rates of co-occurrence of insomnia and insomnia symptoms with obstructive sleep apnea: a systematic review and meta-analysis //Sleep medicine reviews. – 2019. – Т. 45. – р. 1-17.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590 сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича мажмуи чора-тадбирлар тўғрисида», 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги фармонлари, 2018 йил 30 августдаги ПҚ-3925-сон «Аҳолига неврологик ёрдам кўрсатишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2021 йил 25 майдаги ПҚ-5124-сон «Соғлиқни сақлаш соҳасини комплекс ривожлантиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида», 2023 йил 20 январдаги ПҚ-12-сон «2023-2026 йилларда фтизиатрия ва пулмонология хизматини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари, ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологияларни ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Сурункали мия ишемияси (СМИ) муаммоси бутун дунёда кенг ўрганилмоқда. Касалликнинг сабаблари, ривожланиш механизмлари, шунингдек сурункали мия ишемиясининг бориши ва прогнозига таъсир кўрсатадиган омиллар тўғрисида катта миқдордаги маълумотлар тўпланган.

ОУА билан оғриган беморларда эрталабки бош оғриғи кеча давомидаги қоннинг кислородга тўйинганлиги билан боғлиқлигини исботланган (Michael B Russell, Navard A Kristiansen ва Kari O Kvaerner, 2014). Инсулт бўлган беморларда уйқу апоноэси синдромининг юқори даражада тарқалишини исботланган (Virend K.Somers, 2012). Транзитор ишемик ҳужумнинг билан оғриган беморларнинг 62 фоизида 10 дан ортиқ апоноэ-гипопноэ индексини аниқланган, бу эса ОУА нинг ўзи инсулт бошланишидан олдин кузатилиши мумкинлигини тасдиқланган (C.Basseti, Aldrich, 2016). ОУАда ишчи хотира, эътибор ва ижро этувчи функциянинг пасайишини исботланган (Jakub Vanek, Milan Sova, 2020).

Ишемик турдаги инсултнинг ўткир давридаги беморларда ОУА частотаси 36%ни аниқланган (Полуэктов М.Г. ва бошқалар, 2002, 2015). Қон босими, углевод алмашинуви ва бошқаларга ОУА таъсирининг патофизиологик механизмлари ва PAF-терапия таъсирида ушбу тизимлардаги ўзгаришлар динамикаси баҳоланган (Бузунов Р.В. ва бошқалар, 2018).

Шундай қилиб, ОУАнинг СМИ ривожланишида клиник ва патогенетик хусусиятларини баҳолаш муҳим ўрин эгаллайди. Жумладан ОУАнинг мия гемодинамикасига, унинг веноз бўғинига таъсир қилувчи ҳамда ОУА келиб чиқиш омиллари, шу билан бирга неврологик ва когнитив функцияларга таъсирини беморларда эрта ташхислаш ва прогнозлаш мезонларини ишлаб чиқиш имконини беради.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ошириш

маркази неврология кафедрасининг илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ бажарилган (2020–2023 йй.).

**Тадқиқотнинг мақсади:** турли оғирликдаги ОУА билан оғриган беморларда церебрал қон томирлари бузилишлари механизмлари ва хусусиятларини аниқлаш ҳамда уларни даволаш ва олдини олиш бўйича тавсия ва таклифлар чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари** қуйидагилардан иборат:

ОУА турли даражаларида неврологик ва нейрокогнитив касалликларнинг хусусиятларини тадқиқот ўтказиш;

ОУА билан касалланган беморларда церебрал гемодинамик касалликлари бўйича сомнологик анкета тадқиқотларининг ахборот мазмунини исботлаш;

ОУА билан оғриган беморларда объектив полисомнографик ва церебрал гемодинамика (реоэнцефалография ва бош мия магистрал қон томирларининг доплерографияси) кўрсаткичларини ўрта боғлиқлигини баҳолаш;

РАР ва венотонизация терапияси СМИ билан мураккаблашган ОУА билан оғриган беморларда церебрал гемодинамик кўрсаткичларининг ўзгаришини аниқлаш;

ОУА билан оғриган беморларда цереброваскуляр касалликларни комплекс даволаш бўйича амалий тавсияларни ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Доктор Максудова Клиникасида 2018-2022 йилларда стационар ва амбулатория шароитида даволанган 50-80 ёшдаги 146 нафар беморлар ташкил қилган.

**Тадқиқотнинг предмети** сифатида клиник-анамнестик маълумотлар ҳамда беморларнинг уйқуси ва гемодинамик параметрларини инструментал тадқиқот методлари ташкил қилган.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Клиник-анамнестик маълумотлар, сўровномалар (когнитив функцияларини ва ҳиссий ҳолатини аниқлаш шкалалари, сомнологик шкалалари), нейрофизиологик (полисомнография, бош мия магистрал томирларининг доплерографияси, реоэнцефалография) ва статистик тадқиқот усулларида фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

обструктив уйқу апноэси билан хасталанган беморларда псевдобулбар бузилишлар билан биргаликда жорий ходисаларга нисбатан амнезия, кундузги тетиклик даражасининг пасайиши ва оғир астения билан намоён бўлувчи клиник-неврологик ва нейрокогнитив хусусиятлар аниқланган;

обструктив уйқу апноэси бўлган беморларда тунги уйқу тузилишида тез-тез уйғониш билан бирга чуқур секин уйқу ( $\delta$ -уйқуси) улуши кескин камайиши ва миянинг глимфатик тизими функциясининг бузилиши сабабли обструктив уйқу апноэдаги когнитив ва ҳиссий бузулишлар ривожланиши аниқланган;

обструктив уйқу апноэ билан оғриган беморларда кўкрак қафаси ички манфий босими ҳисобига миянинг магистрал томирларида оғир веноз етишмовчилиги аниқланган;

обструктив уйқу апноэ билан оғриган беморларда сурункали мия ишемиясини даволаш РАР-терапияси ва венотонизация терапиясининг комбинацияси кўринишидаги комплекс ёндашув билан оптималлаштирилган.

### **Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:**

СМИ аниқланган беморларда ОУА ни аниқлаш ва ташхислаш алгоритми ишлаб чиқилган;

ОУА билан оғриган беморларни текшириш тизими диагностика протокоliga ОУА билан оғриган беморларда церебрал қон оқимидаги қон томир ўзгаришларини текшириш таклиф қилинган;

кардиореспиратор мониторинг методи ОУА хавфи юқори бўлган беморларда скрининг усули сифатида тавсия этилган;

обструктив уйқу апноэни даволашда стандарт PAP-терапияга венотоник терапияни қўшиш шаклида комплекс ёндашув ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлиги** замонавий клиник, инструментал тадқиқот усулларнинг қўлланилганлиги, текширилган беморларнинг етарли сони, олинган маълумотларни статистик таҳлил қилиш учун оқилона усуллар тўплами, касалликни эрта аниқлаш, ташхислаш мезонларини ишлаб чиқиш усулларини оптималлаштириш, шунингдек, тадқиқот натижаларини клиник ва неврологик параллелари халқаро ҳамда маҳаллий маълумотлар билан таққосланганлиги, чиқарилган хулоса ҳамда олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

### **Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.**

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, ОУАда юзага келадиган патогенетик механизмларни аниқлаш келгусида Республикада ушбу патология этиопатогенезини чуқурлаштириб баҳолаш учун асос яратади. СМИ симптомларнинг ривожланиши ва ёмонлашишда ОУАда уйқу бузилиши ролини ушбу патология патогенезининг янги аспектларини аниқлаш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, олинган натижалар асосида амалий соғлиқни сақлаш учун мақсадга йўналтирилган эрта ташхислаш чора-тадбирларини амалга оширишга доир тавсиялар таклиф қилинган, бу ўз навбатида, ушбу контингентда асоратлар ва ногиронликни камайтириш билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш маркази экспертлар кенгашининг 2023 йил 23 июндаги 5-сон хулосасига кўра:

обструктив уйқу апноэси билан хасталанган беморларда псевдобулбар бузилишлар билан биргаликда жорий ҳодисаларга нисбатан амнезия, кундузги тетиклик даражасининг пасайиши ва оғир астения билан намоён бўлувчи клиник неврологик ва нейрокогнитив хусусиятлар аниқланган. Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш Марказининг Кўп тармоқли Клиникасида, Тошкент вилояти соматик касалхонасида ва Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий марказининг амалиётга жорий қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2022 йил 27 апрел 8н-з/200-сон хулосаси билан тасдиқланган). Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги: беморни шифокорга дастлабки мурожаъати пайтида аниқланган обструктив уйқу апноэга хос бўлган шикоятлари обструктив уйқу апноэ билан кечувчи мия сурункали ишемияси ҳақида ўз вақтида шубҳа қилиш

ва ушбу ҳолатни махсус когнитив ва сомнологик текширувлар билан эрта аниқлаш имконини беради. Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: обструктив уйқу апноэга хос бўлган шикоятларни аниқлаш бемор билан тахминан 3-4 дақиқали суҳбати давомида аниқланиши махсус пул харажатлари билан боғлиқ текширувларни талаб қилмайди ва қабулхонада беморни текшириш вақтида махсус шкалалар бўйича ажратиб танлаш имконини беради. Хулоса: беморда обструктив уйқу апноэга хос бўлган шикоятларни аниқлаш учун шифокорданкам вақт талаб қилинади, бироқ беморни махсус шкалалар ёрдамида кейинги текширувлар учун ўз вақтида танлаб ажратиб олишга имкон беради. Илмий янгиликдан кенгайтирилган ҳолда фойдаланиш: «Обструктив уйқу апноэсида сурункали мия ишемиясининг клиник ва патогенетик хусусиятлари» мавзусида илмий янгиликларни бошқа соғлиқни сақлаш муассасаларига жорий этиш бўйича Соғлиқни сақлаш вазирлигига 2023 йил 28 апрел 01/08-658-сонли хулосаси юборилган.

обструктив уйқу апноэси бўлган беморларда тунги уйқу тузилишида тез-тез уйғониш билан бирга чуқур секин уйқу ( $\delta$ -уйқуси) улуши кескин камайиши ва миянинг глимфатик тизими функциясининг бузилишига, зарарли метаболитларни чиқаришда қийинчиликларга олиб келиши оқибатида когнитив ва ҳиссий бузулишларнинг ривожланишига сабаб бўлиши аниқланган. Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш Марказининг Кўп тармоқли Клиникасида, Тошкент вилояти соматик касалхонасида ва Республика шошилиш тиббий ёрдам илмий марказининг амалиётига жорий қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2022 йил 27 апрел 8н-з/200-сон хулосаси билан тасдиқланган). Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги:  $\delta$  уйқуси давомийлигининг пасайиши уйқу самарадорлигининг пасайишига олиб келади, натижада кундузги уйқучанлик пайдо бўлади. Шунингдек, беморнинг ҳаёт сифати ёмонлашади, унинг иш қобилияти пасаяди, беморнинг машина рулида ухлаб қолиши туфайли йўл-транспорт ҳодисалари хавфи ортади, бу охир-оқибат касалланиш, ногиронлик ва ўлимни оширади. обструктив уйқу апноэни ўз вақтида аниқлаш ва даволаш ушбу ҳолатларнинг олдини олади ва ҳаёт сифатини яхшилади. Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: сурункали мия ишемияси билан оғриган беморларни, шунингдек, мия травматик шикастланиши билан оғриган беморларни даволаш нархи 10 кун касалхонада бўлиш учун ҳар бир бемор учун 6.011.050 сўм туради. обструктив уйқу апноэни ўз вақтида аниқлаш ва даволаш сурункали мия ишемияси кечишини яхшилаши ва унинг ривожланишини камайтириши мумкин, бу эса стационар даволанишга бўлган эҳтиёжни камайтиради ва унинг нархини пасайтиради. обструктив уйқу апноэ даволанмаса, инсулт хавфи (ишемик ёки геморрагик турдаги), энцефалопатиянинг деменция босқичига ўтиши ортади. Ушбу тоифадаги беморларни даволаш ва реабилитация қилиш харажатлари ҳар бир бемор учун йилига 6.011.050 дан 18.033.150 сўмгача. Хулоса: сурункали мия ишемияси билан оғриган беморларда обструктив уйқу апноэни ўз вақтида даволаш СМИ ривожланишини секинлаштиради ва бошқа патологияларни (биринчи навбатда инсулт, деменция), ногиронлик, ўлимни олдини олади ва харажатларни

2-5 баравар камайтиради. Илмий янгиликдан кенгайтирилган холда фойдаланиш: «Обструктив уйқу апоноэсида сурункали мия ишемиясининг клиник ва патогенетик хусусиятлари» мавзусида илмий янгиликларни бошқа соғлиқни сақлаш муассасаларига жорий этиш бўйича Соғлиқни сақлаш вазирлигига 2023 йил 28 апрел 01/08-658-сонли хулосаси юборилган;

обструктив уйқу апоноэ билан оғриган беморларда кўкрак қафаси ички манфий босими ҳисобига миянинг магистрал томирларида оғир веноз этишмовчилиги аниқланган. Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш Марказининг Кўп тармоқли Клиникасида, Тошкент вилояти соматик касалхонасида ва Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий марказининг амалиётига жорий қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2022 йил 27 апрел 8н-з/200-сон хулосаси билан тасдиқланган). Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги: Инструментал тадқиқотлар давомида сурункали мия ишемияси билан оғриган беморлар, қоида тариқасида, миянинг магистрал томирларининг доплерографияси томонидан текширилади. Ушбу текширув давомида веноз тикилиши кўринишидаги аниқланган ўзгаришлар ушбу беморларда обструктив уйқу апоноэни ўз вақтида шубҳа қилиш ва уларни ушбу патологияни кейинги текшириш ва даволаш учун юбориш имконини беради. Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: миянинг магистрал томирларининг доплерографияси сурункали мия ишемияси билан оғриган беморларни текшириш стандартига киритилган. Ушбу процедура нархи ҳар бир бемор учун ўртача 87,500 сўмдан баҳоланмоқда. Шу билан бирга, реоэнцефалография арзонроқ нархга эга – ўртача 34,070 сўм, бу миянинг магистрал томирларининг доплерография нархидан 2 баравар кам. Бизнинг тадқиқотимизга асосланиб, реоэнцефалография кўпроқ маълумотга эга эканлиги ва касалликнинг олдинги босқичида обструктив уйқу апоноэга хос бўлган ўзгаришларни аниқлашга ва терапияни эрта бошлашга имкон бериши аниқланди. Хулоса: сурункали мия ишемияси билан оғриган беморларда мунтазам реоэнцефалография касалликни энг енгил даражада эрта аниқлаш, обструктив уйқу апоноэ учун хос бўлган ўзгаришларни аниқлаш ва бу ҳолатни ўз вақтида даволашни бошлаш имконини беради, шу билан сурункали мия ишемияси ривожланишининг секинлаштириш, асоратларни олдини олишга ёрдам беради. Илмий янгиликдан кенгайтирилган холда фойдаланиш: «Обструктив уйқу апоноэсида сурункали мия ишемиясининг клиник ва патогенетик хусусиятлари» мавзусида илмий янгиликларни бошқа соғлиқни сақлаш муассасаларига жорий этиш бўйича Соғлиқни сақлаш вазирлигига 2023 йил 28 апрел 01/08-658-сонли хулосаси юборилган;

обструктив уйқу апоноэси бор сурункали мия ишемияси билан касалланган беморларда венотоник ва РАР-терапия каби муолажалардан комплекс фойдаланиш кўрсатилинган. Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш Марказининг Кўп тармоқли Клиникасида, Тошкент вилояти соматик касалхонасида ва Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий марказининг амалиётига жорий қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2022 йил 27 апрел 8н-з/200-сон хулосаси билан тасдиқланган). Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги: Стандарт РАР-

терапиясидан ташқари, венотонизация терапияси обструктив уйқу апоноэ билан оғриган беморлар учун кўрсатилади, бу эса тикланишни тезлаштириш ва беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш, сурункали мия ишемияси ва обструктив уйқу апоноэ билан оғриган беморларда инсулт, деменция хавфини олдини олиш ёки камайтириш имконини беради. Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: РАР-терапия учун асбобларнинг нархи, уларнинг нисбатан юқори нархига қарамай (битта бемор учун битта қурилманинг нархи тахминан 3-15 миллионни ташкил қилади, ишлаб чиқарувчига, мураккаблик даражасига, қурилманинг қўшимча функциялари мавжудлигига боғлиқ) йиқилиш туфайли йўлларда жароҳатларнинг олдини олиш орқали иқтисодий фойда рўлда ухлаш, инсулт, деменция каби даволаш 18.033.150 сўмдан ортиқни ташкил қилувчи қиммат муолажалардан фойдалироқдир. Давлат учун бу қўшимча ишчи контингентдан маҳрум қилувчи юқори ногиронлик сонини оширади ва ушбу беморларни реабилитация қилиш учун қўшимча харажатларни талаб қилади. Хулоса: РАР-терапия учун асбобларнинг нисбатан юқори нархига қарамай, ушбу даволаш усули самарали бўлиб, касалхонада қолиш муддатини, касалхонага ётқизиш частотасини йилига 3 баравар камайтиришга, инсулт, жароҳатлар ва деменция хавфини камайтиришга имкон беради, бу эса давлат бюджетини сезиларли даражада тежайди ва иш жойларида аҳолини фаолиятини давом эттиришга имкон беради. Илмий янгиликдан кенгайтирилган ҳолда фойдаланиш: «Обструктив уйқу апоноэсида сурункали мия ишемиясининг клиник ва патогенетик хусусиятлари» мавзусида илмий янгиликларни бошқа соғлиқни сақлаш муассасаларига жорий этиш бўйича Соғлиқни сақлаш вазирлигига 2023 йил 28 апрел 01/08-658-сонли хулосаси юборилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 3 та республика илмий-амалий анжуманларида, шунингдек, 3 та хорижий конференцияларда муҳокама қилинган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 15 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 4 та мақола, жумладан, 3 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, 7 та боб, хулоса, иловалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертация ҳажми 108 та бетни ташкил қилади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш қисмида** ўтказилган тадқиқотнинг долзарблиги ва талабгирлиги асосланади, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари шакллантирилади, тадқиқотнинг предмети ва объекти аниқланади, тадқиқотнинг республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мувофиқлиги асосланади, тадқиқот натижаларининг илмий янгилиги ва амалий аҳамияти баён қилинади, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш тўғрисидаги маълумотлар, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши тўғрисидаги маълумотлар келтирилади.

Диссертациянинг «Уйқу ва бедорликнинг функционал ташкил этилиши ҳақидаги замонавий тушунчалар. Уйқу пайтида тананинг ҳолати. Уйқуда нафас олишнинг бузилиши» деб номланган диссертациянинг биринчи бобида ўрганилаётган муаммо бўйича муаммонинг ҳозирги ҳолати ҳақидаги замонавий ғоялар таҳлил қилинган ҳамда етарли миқдордаги маҳаллий ва хорижий адабиётларни таҳлил қилинган. Адабий маълумотлардан қуйидагилар келиб чиқади, яъни муаллифларнинг курснинг хусусиятлари, организмларнинг турли тизимларига таъсири ва ОУА даволаш тактикалари бўйича олиб борган кўплаб тадқиқотларига қарамай, апноэнинг беморлар когнитив функцияларига таъсири хусусиятлари ва айниқса, апноэнинг беморларнинг когнитив функциялари ривожланиши ва ёмонлашишига таъсир механизмларини ўрганиш бўйича ишлар етарли эмас. Шу нуқтаи назардан, ушбу тадқиқотнинг зарурлиги, муаммони батафсил ўрганиш муҳимлиги таъкидланади.

Диссертациянинг «Обструктив уйқу апноэсида сурункали мия ишемиясининг клиник ва патогенетик аспекти аниқлаш бўйича клиник материал ва текширув усуллари» деб номланган иккинчи бобида текширилган беморларнинг умумий хусусиятлари тўғрисидаги, шунингдек, ишлатилган тадқиқот усуллари ҳақида маълумотлар келтирилган. Иш академик А.Р.Раҳимжанов номидаги ТХКМОМ неврология кафедрасида олиб борилди, клиник тадқиқотлар эса доктор Максудова клиникаси базасида ўтказилди. Мазкур иш 2018-2022 йиллар давомида амбулатория ва стационар даволанган 146 беморни клиник ва инструментал текшириш натижаларини таҳлил қилишга асосланган. Асосий гуруҳ 50 ёшдан 80 ёшгача бўлган 106 бемордан иборат бўлиб, клиник, шахсий маълумотлар ва полисомнография (ПСГ) натижалари асосида ОУА ташхиси қўйилган. Асосий гуруҳ 2 та кичик гуруҳга бўлинган – 1 та кичик гуруҳ 63 та ўрта даражадаги ОУА беморни ташкил этди, 2 та кичик гуруҳ – 43 та оғир даражадаги ОУА бемор ташкил этди. Назорат гуруҳига ёши ва жинси бўйича асосий гуруҳ билан таққосланадиган 40 та ОУА бўлмаган беморлар киритилган. Беморларнинг ёшига қараб тақсимланиши 1-жадвалда келтирилган.

#### 1-жадвал

#### Гуруҳлар бўйича беморларнинг хусусиятлари

	Сони (n)	Ўртача ёши
Назорат гуруҳи	40	61,6
Асосий гуруҳ	106	62,4
I кичик гуруҳ	63	63,4
II кичик гуруҳ	43	61,0
Жами	146	62,2

Беморларни тадқиқотдан четлаштириш мезонлари анамнезда ва/ёки беморни текшириш пайтида қуйидагиларнинг аниқланиши ҳисобланади: Марказий уйқу апноэси синдроми, аралаш уйқу апноэси синдроми, сурункали обструктив ўпка касаллиги, бронхиал астма, асаб-мушак узатилишининг бузилиши билан кечадиган касалликлар (миастения, миастеник синдром ва бошқалар).

Барча беморлар клиник текширувдан ўтдилар, шу жумладан шикоятлар, анамнез, беморларнинг неврологик ҳолатини ўрганиш, шунингдек, уйқу апоэси синдромини аниқлаш учун нейро-психологик тадқиқотлар ва стандарт шкалалар бўйича сўровномалар ўтказилди: берлин сўровномаси, уйқу апоэси скрининг анкетаси, Эпворт шкаласи бўйича кундузги уйқу даражасини аниқлаш, Лозанна шкаласи, тунги уйқу пайтида компьютер пулсиоксиметриясини кузатиш. Когнитив функцияларни ўрганиш учун умумий тан олинган шкала – когнитив бузилишларнинг оғирлигини аниқлаш билан ақлий ҳолатни баҳолашнинг қисқа шкаласи (Mini Mental State Examination) (MMSE) бўйича тест ўтказилди. Ушбу шкала вазифалар, саволлар, кўрсатмалар рўйхати бўлиб, уларнинг ҳар бири маълум когнитив функцияларни (идрок, жой ва вақт йўналиши, нутқ, ёзиш ва бошқалар) баҳолашга имкон беради. Безовталиқ ва депрессия даражасини аниқлаш учун барча беморлар касалхонада безовталиқ ва депрессия шкаласи (HADS) бўйича сўровномадан ўтдилар.

Барча беморларга полисомнография (ПСГ) ва кардиореспиратор мониторинг (КРМ) ўтказилди. Шу билан бирга, барча беморларга мианинг веноз тизимидаги бузилиш белгиларини аниқлаш учун миё томирларининг реоэнцефалографик текшируви ва брахиоцефалик магистрал томирларининг ултратовуш текшируви – артериялар ва томирлардаги ўзгаришларнинг мавжудлиги ва даражаси чанок бўшлиғидан веноз чиқишининг белгиларини аниқлаш учун қўшимча интракраниал артериялар ва томирларнинг дуплекс текшируви ўтказилди.

Тадқиқот натижаларини статистик қайта ишлаш Microsoft Excel Windows 2016 автоматлаштирилган дастурида ва STATISTICA 8 ва Statistics 17.0 SPSS статистик таҳлил дастурлари пакетларида амалга оширилди.

Диссертациянинг «**Текширилган беморларнинг клиник-параклиник ва нейрокогнитив хусусиятлари**» деб номланган учинчи бобида беморларнинг клиник текшируви натижалари неврологик текширув, беморларнинг когнитив ва ҳиссий ҳолатини баҳолаш бўйича сомнологик ва шкала бўйича сўровномалар асосида тавсифланади. Муайян шикоятларни аниқлаш частотаси ОУА оғирлик даражасига қараб ўзгариб турарди – ОУА оғир бўлган кичик гуруҳдава назорат гуруҳида шикоятларнинг частотаси ўртача оғирликдаги ОУА кичик гуруҳга қараганда анча юқори бўлган. Шунинг таъкидлаш керакки, ОУА нинг энг оғир ҳолатларида, айниқса касалликнинг узоқ давом этиши ва оғир қўшма патология билан кечганда шикоятлар сони камайди ва жуда кам эди. Бизнинг фикримизча, бу бундай беморларда энцефалопатиянинг жиддийлиги билан боғлиқ, бунда беморнинг ўз-ўзини танқид қилиши камайган ва шунга мос равишда шикоятлар сони камайган ёки улар беморнинг сўзларидан умуман йўқ бўлганда. Шу билан бирга, бундай беморлар, қоида тариқасида, кундузги уйқучанликка эга ва тўғридан-тўғри текширув пайтида ва шикоятларни йиғишда ухлаб қолишади.

Беморларнинг субъектив маълумотларини таҳлил қилишда жиддий ОУА даражасига эга бўлган кичик гуруҳларда ишчанликнинг пасайиши, эътиборнинг сусайиши, эрталабки қон босимининг кўтарилиши ва хуррак отиш ҳақида шикоятлар тез-тез учраб туриши диққатни тортади. Бироқ, ОУА оғир бўлган кичик гуруҳда хотира бузилиши шикоятлари ўрта даражадаги кичик гуруҳга

караганда камроқ тарқалган (мос равишда 72 ва 90%). Ушбу ҳодиса, эҳтимол, апоэнинг оғирлиги, когнитив-мнестик функцияларнинг ёмонлашиши билан ўз-ўзини танқид қилиш ёмонлашади ва бемор шикоят қилмай қўяди, шу жумладан хотиранинг ёмонлашишидан ҳам шикоят қилмайди.

Миянинг сурункали ишемиясининг ўзи алоҳида ривожланмаганлиги ва фон ва/ёки ёндош касаллик доимо мавжуд бўлганлиги сабабли, биз ушбу касалликлар бўйича беморларнинг тарихини ҳам ўрганиб чиқдик. Беморларнинг анамнезини таҳлил қилишда қуйидаги жадвалда келтирилган фон ва ёндош касалликлар аниқланди (2-жадвал):

### 2-жадвал

#### Текширилган беморлар орасида фон касалликларининг частотаси

Касалликлар	Текширилган беморлар орасида частотаси
Артериал гипертензия	58%
Семизлик	62%
Қандли диабет	38%
Ишемик юрак касаллиги	32%
Гипотиреоз	24%
бошқалар	8%

Ушбу касалликларнинг тарқалиш частотаси асосий ва назорат гуруҳларида таққосланган. Шунини таъкидлаш керакки, барча беморлар терапевт, кардиолог ва эндокринолог назоратида бўлиб, ушбу касалликлар учун стандарт терапия олдилар.

Барча беморлар тўлиқ неврологик текширувдан ўтказилди. Текширилган беморлар орасида неврологик ҳолатдаги қуйидаги ўзгаришлар аниқланди: пай анизорефлексияси, орал автоматизмининг белгилари, конвергенция етишмовчилиги, нистагм, периферик ва марказий типдаги сезувчанлик бузилиши, тремор, атаксия, Ромберг ҳолатидаги беқарорлик, моно - ва гемипарезлар, автоном асаб тизимидаги бузилишлар. Бемор гуруҳларида санаб ўтилган ҳар бир аломатнинг тарқалиши ва частотаси қуйидаги жадвалда келтирилган (3-жадвал).

### 3-жадвал

#### Текширилган беморларда неврологик аломатлар

Аломатлар	Асосий гуруҳ (n=106)	Назорат гуруҳи (n=40)	p
Кўз қорачиғи реакциясининг бузилиши (анизокория, нистагм, заиф конвергенция)	24 (23%)	4 (10%)	p<0,05
7, 12 нервлар парези	56 (53%)	4 (10%)	p<0,05
орал автоматизмининг белгилари	63 (59%)	11 (28%)	p<0,05
Анизорефлексия	65 (61%)	9 (23%)	p<0,05
Периферик типдаги сезувчанлик бузилиши	61 (58%)	14 (35%)	p<0,05
Марказий типдаги сезувчанлик бузилиши	18 (17%)	7 (18%)	p<0,05
Гемипарезлар, монопарезлар	28 (26%)	4 (10%)	p<0,05
Координатор бузилишлар (Ромберг ҳолатидаги беқарорлик, атаксия, таянч-ҳаракат синовларини ўтказишда бажара олмаслик)	43 (41%)	17 (43%)	p<0,05
Вегетатив бузилишлар	17 (16%)	13 (33%)	p<0,05

Шу тариқа, жадвалда келтирилган маълумотларга кўра, асосий ва назорат гуруҳидаги беморларда неврологик ҳолатдаги ўзгаришлар частотаси сезиларли даражада фарқ қилади ва асосий гуруҳда устунлик қилади.

Беморни сўроқ қилишда беморларнинг когнитив ҳолатини баҳолаш учун қисқа руҳий ҳолатни баҳолаш шкаласи – Mini-Mental State Examination (MMSE) ишлатилган. Ушбу шкала бўйича олинган натижаларга кўра, ҳар бир гуруҳнинг барча беморлари, когнитив бузилишларнинг оғирлигига қараб, қуйидаги балларни тўпладилар. Олинган маълумотлар қуйидаги жадвалда келтирилган (4-жадвал):

#### 4-жадвал

#### Асосий ва назорат гуруҳларида MMSE шкаласи бўйича беморларни сўроқ қилиш натижалари

MMSE бўйича баллар	Асосий гуруҳ (n=106)	Нazorат гуруҳи (n=40)	p
28-30 (когнитив бузилишларнинг мавжуд эмаслиги)	8 (8%)	13 (32%)	p<0,01
24-27 (деменция олди ўзгаришлар)	17 (16%)	9 (23%)	p<0,05
20-23 (деменциянинг энгил даражаси)	43 (41%)	12 (30%)	p<0,05
11-19 (ўрта даражадаги деменция)	28 (26%)	4 (10%)	p<0,05
0-10 (оғир даражадаги деменция)	10 (9%)	2 (5%)	p<0,05

Ушбу жадвалдан кўриниб турибдики, назорат гуруҳига нисбатан энгил, ўртача ва оғир деманцияга мос келадиган натижалар асосий гуруҳда ишончли тарзда устунлик қилди. Шу билан бирга, назорат гуруҳида MMSE шкаласи бўйича деменция олди бузилишлар ва когнитив бузилишларнинг йўқлиги устунлик қилади.

5-жадвалда асосий гуруҳнинг иккита кичик гуруҳидаги шкалалар бўйича маълумотлар кўрсатилган васолиштирилган.

#### 5-жадвал

#### Асосий гуруҳнинг кичик гуруҳларида MMSE сўровномаси натижалари

MMSE бўйича баллар	1 кичик гуруҳ (ўрта даражадаги ОУА) (n=63)	2 кичик гуруҳ (оғир даражадаги ОУА) (n=43)	p
28-30 (когнитив бузилишларнинг мавжуд эмаслиги)	6 (10%)	2 (5%)	p<0,05
24-27 (деменция олди ўзгаришлар)	13 (20%)	4 (9%)	p<0,05
20-23 (деменциянинг энгил даражаси)	31 (49%)	12 (28%)	p<0,05
11-19 (ўрта даражадаги деменция)	10 (16%)	18 (42%)	p<0,05
0-10 (оғир даражадаги деменция)	3 (5%)	7 (16%)	p<0,05

Тақдим этилган маълумотларга кўра, асосий гуруҳ беморларининг биринчи кичик гуруҳида мос равишда 49%, 20% ва 10% да энгил деменция, деменциядан олдинги бузилишлар ва когнитив бузилишларнинг мавжуд эмасдиги аниқланган. Шу билан бирга, оғир ОУА бўлган 2-кичик гуруҳдаги беморларнинг 42% ва 16% да мос равишда ўртача ва оғир деменцияга мос келадиган баллар аниқланди. Бунга асосланиб, оғир ОУА бўлган кичик гуруҳда когнитив функцияларнинг ўртача ва оғир бузилишлари сезиларли даражада кўп аниқланган (p<0,05).

Беморларнинг ҳиссий ҳолатини баҳолаш, беморларнинг маълум бир контингентда ташвишланиш/депрессия тарқалишини ўрганиш учун биз касалхонадаги безовталиқ ва депрессия шкаласидан (HADS) фойдаландик. Ушбу шкалада безовталиқ ва депрессия гуруҳлари бўйича саволларнинг бўлиниши туфайли текширилган беморларда ҳиссий ҳолатнинг у ёки бу таркибий қисмининг устунлигини баҳолаш ва таққослаш имконияти мавжуд эди. Шунинг таъкидлаш керакки, ҳиссий соҳадаги ўзгаришлар асосий касаллик (МСИ) ва баъзи ҳолларда ёндош ва фон касалликлари туфайли юзага келган эди. Беморда уйқу апоноэси синдроми борлиги, унинг ўзига хос эпизодлари билан ярим тунда бўғилиш ҳисси, ҳаво етишмаслиги ҳолатлари беморнинг ҳиссий ҳолатида ўз изини қолдиради, безовталиқ туғдиради ёки аҳволни ёмонлаштиради. Асосий гуруҳдаги беморларнинг аксариятида ҳар бир беморда безовталиқ ва тушқунлик белгилари мавжуд эди. Беморларни сўроқ қилиш пайтида олинган маълумотлар қуйидаги жадвалда келтирилган (6-жадвал).

**6-жадвал**

**HADS шкаласи бўйича асосий ва назорат гуруҳидаги  
безовталиқ/депрессиянинг намоён бўлиши бўйича беморларни  
тақсимлаш**

<b>HADS шкаласи бўйича балл</b>	<b>Асосий гуруҳ (n=106)</b>	<b>Назорат гуруҳи (n=40)</b>	<b>p</b>
<b>Norma (0-7 балл)</b>	11 (10%)	8 (20%)	p<0,05
<b>Субклиник тарзда ифодаланган безовталиқ (8-10 балл)</b>	57 (54%)	7 (18%)	p<0,05
<b>Субклиник тарзда ифодаланган депрессия (8-10 балл)</b>	73 (69%)	10 (25%)	p<0,05
<b>Клиник тарзда ифодаланган депрессия (11 балл ва ундан юқори)</b>	38 (36%)	7 (18%)	p<0,05
<b>Клиник тарзда ифодаланган депрессия (11 балл ва ундан юқори)</b>	63 (59%)	6 (15%)	p<0,05

Жадвалда келтирилган маълумотларга асосланиб, асосий ва назорат гуруҳлари беморларида ҳиссий бузилишлар табиатида маълум бир қонуният сезилади, хусусан: субклиник тарзда ифодаланган безовталиқ, субклиник депрессия – асосий гуруҳ беморларида кўрсаткичлар назорат гуруҳининг шундай кўрсаткичларидан сезиларли даражада устунлик қилади (3 марта). Шу билан бирга, нормага мос келадиган баллар йиғиндиси (безовталиқ ва депрессиянинг йўқлиги) мос равишда назорат гуруҳида сезиларли даражада (2 баравар) устунлик қилади. Гуруҳлардаги энг катта фарқ клиник тарзда ифодаланган депрессия тоифасида кўринади, бу ерда асосий гуруҳдаги баллар кўрсаткичи назорат гуруҳининг ўхшаш кўрсаткичидан деярли 4 баравар (3,93 марта) юқори.

Шунинг таъкидлаш керакки, ўрта даражадаги ОУА билан оғриган беморларнинг кичик гуруҳида депрессиядан кўра безовталиқ аломатлар устунлик қилган. ОУА белгилари ривожлангани сайин, безовталиқ аломатлари биров пасайиб, депрессия аломатлари билан алмашинади. Бу шунинг кўрсатадики, ОУА даражаси оғирлашганда, узоқ вақт давомида безовталиқ сақланиб қолиши сабабли, ўз навбатида, беморнинг соматик ва ҳиссий ҳолати оғирлашди, бу эса депрессияга олиб келди.

Диссертациянинг «Текширилган беморларнинг клиник ва сомнологик хусусиятлари» деб номаланган тўртинчи бобида беморларда сўровнома давомида олинган натижалар сомнологик шкалалар бўйича, шунингдек уйқуни ўрганиш учун инструментал усулларнинг объектив натижалари бўйича таҳлил ўтказилди.

Берлин сўровномаси ўтказилган беморларнинг таҳлиliga кўра, беморларнинг 64 фоизи уйқу апоноэси хавфи юқори бўлган шахслар гуруҳига, беморларнинг 36 фоизи уйқу апоноэси хавфи паст бўлганлар гуруҳига тайинланган. Шунинг таъкидлаш керакки, сўралганларнинг 43 фоизи «сиз машинани бошқараётганда мудраб ёки ухлаб қолганмисиз» деган саволга ижобий жавоб беришди ва кўп ҳолларда бу ҳолат ойига 1-2 марта кузатилган («ха» деб жавоб берганларнинг 78 фоизи).

Уйқу апоноэси скрининг сўровномаси натижаларини ўрганаётганда, умумий тўпланган балл 8 дан ошганда, апоноэ ташхиси эҳтимолий деб белгиланади, асосий гуруҳда 13,11,7, 9 балл йиғиндиси устунлик қилди (асосий гуруҳдаги 15, 11, 12, 10% ҳолларда, назорат гуруҳидаги 5, 5, 13, 7,5% ҳолларда, мос равишда,  $p < 0,05$ ). Олинган маълумотлар шунинг кўрсатадики, ушбу анкета уйқу апоноэсига шубҳа қилинган беморларга дастлабки тавсиялар беришда беморларни скрининг қилиш учун жуда аниқдир.

Кундузги уйқучанлик даражасининг оғирлигини аниқлаш учун Эпвортнинг кундузги уйқучанлик шкаласи (Epworth sleepiness scale) ишлатилган.

Олинган маълумотларнинг таҳлили куйидаги жадвалда келтирилган (7-жадвал):

#### 7-жадвал

#### Эпвортнинг кундузги уйқу шкаласи бўйича сўровнома натижалари


Баллар суммаси	Асосий гуруҳ		Назорат гуруҳи	p
	1 кичик гуруҳ	2 кичик гуруҳ		
<b>0-8 (меъёр)</b>	5 (7%)	2 (5%)	27 (68%)	$p < 0,005$
<b>8-12 (меъёрий КУ)</b>	21 (33%)	7 (16%)	13 (32%)	$p < 0,05$
<b>12-17 (етарли даражадаги КУ)</b>	18 (30%)	16 (37%)	0 (0%)	$p < 0,01$
<b>17 дан кўп(кучли КУ)</b>	19 (30%)	18 (42%)	0 (0%)	$p < 0,005$

Юқоридаги маълумотларга асосланиб, биз турли оғирликдаги ОУА билан оғриган асосий гуруҳдаги беморларда кундузи ҳаддан ташқари уйқучанликнинг юқори даражаси бор деган хулосага келишимиз мумкин. Шу билан бирга, кичик гуруҳлар ўртасида сезиларли фарқлар аниқланмади, ўртача оғирликдаги ОУА лик кичик гуруҳ билан солиштирилганда оғирдаражадаги ОУА лик кичик гуруҳда сезиларли ва кескин кундузги уйқучанликнинг енгил тарқалиши мавжуд.


Лозанна шкаласи бўйича биз томонимиздан олинган маълумотларга кўра, умумий балл 8 дан юқори, бу ОУА хавфи юқори еканлигини кўрсатади, асосий гуруҳдаги 65 беморда (61%) ва назорат гуруҳидаги фақат 3 беморда (7%) тўпланган ( $p < 0,01$ ). Шунинг таъкидлаш керакки, тана массаси индексининг 25 дан ошиши ва бўйин айланасининг кенгайиши ўртасида ҳар доим ҳам боғлиқлик йукэди. Шундай қилиб, барча текширилган беморларнинг 45

фоизида ТМИ 25 дан юқори бўлганлиги аниқланган, бўйин айланасининг кенгайиши текширилганларнинг 56 фоизида аниқланган. Бу факт ТМИ ўлчашдан ташқари бўйин айланасини ҳам ҳисобга олиш муҳимлигини кўрсатади. Шундай қилиб, бўйин айланасининг кенгайиши нафақат семизлик, балки инсоннинг анатомик хусусиятлари (машқлар туфайли бўйин атрофидаги ривожланган мушаклар массаси, бўйин тузилишининг ирсий ва этник хусусиятлари ва бошқалар) туфайли ҳам бўлиши мумкин.

Тўртинчи бобнинг иккинчи бўлимида уйқуни ўрганишнинг инструментал усуллари - кардиореспиратор мониторинг, полисомнография ва пулсоксиметриясини кузатиш маълумотлари келтирилган. МКП (1-расм) ва КРМ (2-расм) стационар кузатув остидаги беморларни скрининг босқичида ва ОУА эҳтимоли юқори бўлган беморларда амалга оширилди.



**1-расм. Юқори десатурация индекси бўлган беморда МКП. Юқори кўкэгри чизикда қоннинг кислород билан тўйинганлигининг 70% гача тез-тез ўткир пасайиши сезилади.**



**2-расм. Ўртача оғирликдаги апноэ синдроми бўлган беморнинг КРМ ёзувининг бир қисми такдим этилади. Қора стрелкалар обструктив апноэни билдиради. Яшил ўқлар апноэдан кейин пайдо бўладиган хурракепизодларини кўрсатади.**

ПСГни таҳлил қилишда биз нафақат ИАГ, балки десатурация индексини (ДИ), ўртача сатурацияни ҳам таҳлил қилдик. Асосий ва назорат гуруҳидаги беморларда уйқунинг тузилишини ва унинг ўзгаришини таҳлил қилиш учун биз ПСГ кўрсаткичларини таҳлил қилдик, масалан, уйқу самарадорлиги, секин тўлқинли ва REM уйқусининг давомийлиги, фаоллашув индекси ва 1-босқич уйқу ва REM уйқусининг кечикиши. ИАГ юқори даражадаги ишончлилик билан ОУАнинг оғирлигининг кўрсаткичи сифатида асосий гуруҳда сезиларли даражада юқори эди. Беморларни гуруҳларга ва кичик гуруҳларга бўлишнинг асосий мезони аниқ ИАГ бўлганлиги сабабли, мос равишда ИАГ асосий гуруҳида 15 дан ортиқ (ОУАнинг ўртача оғирлигидан юқорироқга тўғри келади) ва назорат гуруҳида 5 дан камроқ эди (нормага тўғри келади).

Шу билан бирга, ИАГ кўпинча шикоятларга кўра, объектив ҳолатдаги беморнинг аҳволининг оғирлиги билан боғлиқ эмас. Шунинг ҳисобга олиб, биз бошқа кўрсаткичларни, хусусан, десатурация индексини (ДИ) таҳлил қилдик. ДИ, қоида тариқасида, ИАГ га тенг ёки унга яқин, чунки апноэ ҳар доим ҳам десатурация, айниқса қисқа муддатли апноэ билан бирга келмайди. Шу нуқтаи назардан, бу кўрсаткич ИАГ билан таққосланган, аммо бироз бошқача тақсимланган. Асосий гуруҳидаги беморларнинг аксарияти (53 бемор) 20-39, шунингдек 40-59 (33 бемор) оралиғида ДИга эга эди. Асосий гуруҳнинг 5 нафар беморида (оғир СОАС бўлган кичик гуруҳлар) десатурация индекси 80 дан юқори эди.

Нazorat гуруҳидаги беморларда, қоида тариқасида, десатурация йуқ эди. Бироқ, 14 беморда десатурация бор эди, ДИ 0-19 (ўртача 5,4). Ушбу натижалар, асосан, қисқа муддатли (20 сониядан кўп бўлмаган) апноэси бўлган беморларда олинган.

Бизнинг фикримизча, беморнинг аҳволининг оғирлигини аниқ акс эттирувчи ва объектив текширувнинг бошқа кўрсаткичлари, неврологик ҳолат, шахсий маълумотлар ва бош мия қон томирларини текшириш кўрсаткичлари билан боғлиқ бўлган ўртача сатурация кўрсаткичи жуда муҳим кўрсаткич эди. Ушбу кўрсаткич десатурациялар чуқурлигига, минимал қийматларга ва ушбу десатурацияларнинг частотасига боғлиқ. Олинган маълумотлар қуйидаги жадвалда акс эттирилган (8-жадвал):

**8-жадвал**

### Ўртача сатурация кўрсаткичлари

Ўртача сатурация кўрсаткичлари	Асосий гуруҳ	Нazorat гуруҳи	P
<b>59 дан кам</b>	6 (5,7%)	0 (0%)	p<0,001
<b>60-69%</b>	27 (25,5%)	0 (0%)	p<0,001
<b>70-79%</b>	62 (58,5%)	0 (0%)	p<0,001
<b>80-89%</b>	8 (7,5%)	3 (7,5%)	p<0,1
<b>90-100%</b>	3 (2,8%)	37 (92,5%)	p<0,001

Баъзи ҳолларда, етарли даражада юқори ИАГ қийматлари бўлган беморларда ўртача сатурация юқори бўлган. Масалан, ИАГ 48 бўлган беморда ўртача сатурация 88% ни ташкил этди. Шу билан бирга, ИАГ 12 бўлган бошқа

беморда ўртача сатурация 69% эди. Яъни, жуда тез-тез учрайдиган апоноэ-гипоноэ билан сезиларли десатурациялар содир бўлмади ва нисбатан паст ИАГ (бу ҳолда 12) билан десатурациялар сезиларли ва узоқ давом этди, бу ПСГ маълумотларини математик қайта ишлаш билан (бутун тун давомида сатурация кўрсаткичини ўртача ҳисоблаш учун), бу рақамларга олиб келди. Бу бизни ПСГнинг кўплаб кўрсаткичларига ва уларни адекват баҳолаш ва таҳлил қилишга эътибор беришга мажбур қилади.

Ҳеч шубҳа йуқки, ОУА уйқунинг сифати ва тузилишига таъсир қилади, бу эса, ўз навбатида, беморнинг аҳволига таъсир қилади. Биз уйқунинг тузилишини таҳлил қилдик ва қуйидаги параметрларни аниқладик: уйқу самарадорлиги, секин тўлқинли уйқу давомийлиги - nREM уйқусининг 3 босқичи, REM уйқусининг давомийлиги, 1-босқич уйқусининг кечикиши, REM уйқусининг кечикиши, фаоллашув индекси. Таҳлил давомида олинган маълумотлар қуйидаги жадвалда келтирилган (9-жадвал):

**9-жадвал**

**ПСГ кўрсаткичлари**

ПСГ кўрсаткичлари	Асосий гуруҳ	Назорат гуруҳи	P
Уйқунинг самарадорлиги (%)	52,7±17,32	87,83±19,34	p<0,05
Секин тўлқинли уйқу давомийлиги (УУВ дан %)	6,71±2,47	24,76±4,77	p<0,01
REM уйқусининг давомийлиги (УУВ дан %)	9,16±1,52	24,41±11,31	p<0,05
1-босқич кечикиши (дақ)	4,88±0,89	26,58±17,21	p<0,01
REM уйқусининг кечикиши (дақ)	68,61±23,61	107,06±31,93	p<0,05
Фаоллашув индекси (соатига)	47,91±13,65	13,46±4,08	p<0,01

Уйқу самарадорлиги - умумий уйқу вақтининг ётоқда ўтказиладиган умумий вақтга нисбати. Одатда, у 90-95% ни ташкил қилади. Асосий гуруҳдаги беморларда бу кўрсаткич 52,7% ни ташкил этди, бу нафас олиш бузилиши, шунингдек, бошқа уйқу бузилишлари туфайли уйқу самарадорлигининг кескин пасайишини кўрсатади, бу субъектив равишда кундузги уйқучанлик, қийин уйғониш, ва уйқунинг "тетиклантирувчи" таъсирининг йуқлигидааксэтади. Назорат гуруҳида бу кўрсаткич ҳам меъёрдан кам эди - 85,8%, бу бизнинг фикримизча, кекса беморларда психофизиологик уйқусизлик ва уйқу давомийлигининг ёшга боғлиқ ўзгаришлари туфайли уйқу сифатининг ёмонлашиши билан боғлиқ. Шунингдек, беморлар томонидан нотўғри тушуниш, уйқу давомийлиги учун ёш нормаларини билмаслик муҳим рол ўйнайди, бунинг натижасида беморлар ётоқда ортиқча вақт ўтказадилар, бу эса ухлаб қолиш ва узоқ вақт уйғонишда қийинчиликларга олиб келади.

Шунингдек, ПСГ уйқу структураси параметрларида секин тўлқинли уйқунинг давомийлиги (nREM уйқусининг 3-босқичи) ва REM уйқусининг давомийлиги ҳам таҳлил қилинади. Одатда, бу кўрсаткичлар мос равишда УУВнинг 15-23% ва 20-25% ни ташкил қилади. Асосий гуруҳда ушбу иккала кўрсаткич сезиларли даражада камайди ва мос равишда 7,7% ва 9,1% ни ташкил этди. Бу асосий гуруҳдаги беморларда уйқу тузилишининг сезиларли

ўзгаришини кўрсатади. Кўпинча бундай беморлар тез-тез уйғонишдан шикоят қиладилар (апноэ туфайли), бунинг натижасида уйқунинг чуқур босқичларининг намойиши аҳамиятсиз бўлиб қолади, уйқу парчаланаяди.

Назорат гуруҳидаги беморларда секин уйқунинг давомийлиги ўртача 21,7% ни ташкил этади, бу нормалдир. Худди шу гуруҳдаги REM уйқусининг давомийлиги 24,4% ни ташкил этади, бу ҳам нормага (унинг юқори чегараси) мос келади. Ушбу маълумотлар назорат гуруҳидаги беморларда нисбатан ўзгармаган уйқу тузилишини кўрсатади.

1-босқич кечикиши - уйқуни қайд этиш бошланишидан (чироқлар ўчирилган вақт) уйқунинг биринчи босқичи бошланишигача бўлган вақтни акс эттирувчи кўрсаткич. Одатда, бу кўрсаткич 5-20 минут. Асосий гуруҳнинг беморлари орасида 1-босқичнинг кечикиши ўртача 4,8 минутни ташкил этади, бу эса ухлаб қолишнинг бироз қисқаришини кўрсатади. Бу ОУА билан оғриган беморларга хосдир, чунки уйқу тузилишининг бузилиши, уйқу самарадорлигининг пасайиши, унинг парчланиши туфайли беморларда уйқу йэтишмаслиги ривожланади ва ухлаб қолиш тез содир бўлади. Назорат гуруҳида бу кўрсаткич 26,5 минутни ташкил этади, Яъни ухлаб қолиш вақти бироз ошади. Бизнинг фикримизча, бунинг сабаби бу ёш гуруҳидаги беморлар орасида бўлиши мумкин бўлган уйқусизлик бузилиши эди.

